

Муқаддас зияратгоҳ жойлари

«Миздакхон мақбараси»

Қорақалпоғистоннинг энг эски ва зиярат қилинадиган жойларидан бири Миздакхон мақбараси – Гаўир қалъаси ёнида жойлашган эски қабристон ҳисобланади. Бу қалъанинг номи араблар босқинчилиги даврида пайдо бўлган ва таржимада кофирлар қалъаси деб номланади, чунки олимлар тарафидан араблар истило қилгангача қалъа халқи зардуштийлар бўлгани аниқланган.

Барча ёдгорликлар мажмуаси Қорақалпоғистоннинг Хўжайли шаҳридан 3-4км жанубда уч тепаликда жойлашган. Қандай қилиб Миздакхон мусулмонлар зиёрат қиладиган масканга айланган? Дастлаб Гаўир қалъаси пайдо бўлгани эҳтимол. Қалъанинг шаклланиши б.э. аввал IV асрга тўғри келади. Қалъни қараб чиққанда унинг ўн метрлик деворларининг мустаҳкамлиги ҳайрон қолдиради, унинг қолдиқлари қалъанинг икки қисми қолдиқларини ҳимоя қилиб тур, археологлар фикрича, унинг бири сарой қурилиши, иккинчиси ўт черкови бўлган.

Бошқа, қарши қалъада, тепаликда қадимдан зардуштийлар қабристони бўлган, унда қалъа халқи вафот этганларни дафн этган. Бу ҳақида археологлар томонидан топилган ассуарийлар (дафн қутиси) ва дахма – зардуштийлар вафот этганларни ташлаб кетадиган текис тепага эга минора гувоҳлик беради. Қушлар уларнинг суякларигача кемириб тозалаган, ал қариндошлари уларни йиғган ва ассуарийларга солган.

VIII асрда араблар томонидан босиб олингандан сўнг, зардуштийлик дини Ўрта Осиёда йўқ қилинди ва қабристонда мусулмонларни дафн эта бошлади. Одам отанинг қабри Миздакхон худудида жойлашгани ҳақида афсона бор, бу ўрта асрда қабристонга қароматли жой аҳамиятини берган. Шунингдек, Одам отанинг тахминий қабри бошига қурилган мақбара қароматли аҳамиятга эга. У «Қиёмат соати» ва қум соати деб номланади. Ҳар йили иморат деворидан бир ғишт тушади, афсона бўйича, энг сунгги ғишт тушганда, қиёмат бўлади, шунинг учун зиёратчилар конструкцияга ғиштлар кўйишга уринишади, улар худо дуоларимизни эшитади ва бизларни қутқаради деб ишонади.

Нозлимхон сулув мақбараси (XIV аср)

Нозлимхон сулув мақбараси қурилиши тарихи Тож-Махал қурилиши тарихи билан бахслашиши мумкин. Бу муҳаббат ҳақида афсонанинг бири. Михдакхон подшоси қизи – Нозлимхон сулув машҳур ва бой амалдорлар таклифини рад этиб, оддий камбағал бинокорни яхши кўриб қолади. Қизининг танловидан ғазабланган подшо бир тунда осмонга етадиган минора курган одамга қизини бериши ҳақида жар солади. Умидлар ва муҳаббатидан куч олиб йигит шундай минора куради. Тонгда у подшога бориб қизининг кўлини сўрайди. Бироқ подшо сўзида турмайди ва камбағал бинокорга қизини беришдан бош тортади. Бу қарорни эшитиб, йигит ўзи курган минора тепасидан ўзини ташлайди. Севгилисининг ўлимини эшитиб, Нозлимхон сулув унинг тақдирини такрорлайди... Ҳозир ошиқлар қабри устига қурилган мақбарани кўриш мумкин. Ёдгорлик ярими ер остида жойлашган, ер устига фақат мақбара гумбази ва кириш эшиги чиқиб тур. Киришдан пастга зиналар бор, ундан Нозлимхон сулув ва унинг севгилиси вафот этган майдончага борилади. Мақбара деворлари кўк сирли плиткалар билан қопланган.



Нукус шаҳар 26-сон мактабининг

тарих фани ўқитувчиси Расбергенов Рашид

«Султон Вайс мақбараси»

Султон Вайс мақбараси Қорақалпоғистон Республикаси Беруний тумани худудида жойлашган. Султон Вайс мақбараси Қорақалпоғистон худудидаги энг ката мақбара ҳисобланади. Афсона буйича Султон Вайс- Мухаммад пайғамбарнинг дўсти ва сафдоши бўлган ва Марказий Осиёга исломни тарқатиш учун келган. Ўрта асрда Амударёнинг пастки оқимида тарқалган ислом, қадимги диний бутларни йўқ қилиш учун бу ерларда Вайс аль Қарани – Мухаммад пайғамбарнинг биринчи сафдошларидан бири йеменлик чўпон шахсини илоҳийлаштирган.

Султон Вайс вафот этгандан кейин қабри устига афсона бўйича бўйига тенг узун ёдгорлик ўрнатилган. Ал IX асрда қабр ёнида масжид билан мақбара қурилди, атрофида мусулмонларни дафн эта бошлади.

Ўнлаган аср давомида бўлган бу мажмуа XX аср 30-йилларида вайронагарчиликга учради. Кўрганларнинг айтишича, ҳатто 30-йилларнинг бошларида мақбара ўзининг улуғворлиги билан ажралиб турган, гумбазлар олтин билан қопланган.

Мақбарага асосий зиён 70-йилларда етади, уша вақтда «Етти баҳодир» мажмуаси ёнида жойлашган қабр усти қисми тўлиқ вайрон бўлди. Бу қисмда сақланаётган барча қадимги китоблар ўғирланди, ал қабр бузилди. Ҳозирги кунда у республикамиздаги катта эски қабристон.



Нукус шаҳар 26-сон мактабининг

тарих фани ўқитувчиси Расбергенов Рашид